

## Автомобиль йўллари қўмитасида кенгаш фаолият бошлади

---

Мамлакатда давлат органларининг аҳоли билан мулоқотини такомиллаштириш, фуқаролар хуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг замонавий механизмларини жорий қилиш борасида изчилишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, низоларни судгача кўриб чиқишининг ягона тизимини яратиш, медиация, ҳакамлик судлари ҳамда ҳалқаро арбитражларни фуқаролар ҳамда тадбиркорларнинг ишончига сазовор бўладиган низоларни ҳал этувчи самарали муқобил институтларга айлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Мазкур масалада Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори мухим хуқуқий асос бўлганлигини эътироф этиш лозим.

Автомобиль йўллари қўмитасининг тегишли буйруги билан жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органлари ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилиш бўйича апелляция кенгаши фаолияти йўлга қўйилди.

Қарорга кўра, Апелляция кенгашининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгиланган:

жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат органи ўртасида юзага келадиган низоларни судгача кўриб чиқиш ва хулоса қабул қилиш орқали уларни ҳал этиш чораларини кўриш;

мурожаатни кўриб чиқиша қонун хужжатида турлича талқин этилиши мумкин бўлган нормалар аниқланган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда, уларни белгиланган тартибда расмий шарҳлашни ташкиллаштириш бўйича чораларни кўриш;

мурожаатни кўриб чиқиша аниқланган қонун хужжатларидаги бўшлиқларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиш.

Автомобиль йўллари қўмитаси

Ахборот хизмати